• 2015-yil, 8-yanvar. Payshanba

3 (31.906)

ljtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

6 январь

Ишонч ёрликлари топширилди

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 январь куни Оқсаройда Миср Араб Республикаси, Вьетнам Социалистик Республикаси, Хиндистон Республикаси, Индонезия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулодда ва мухтор элчилари этиб тайипланган Гала ал-Ганнам. Фам Ван Фао. Викрам Лорансвами. Алит Сантикадан ишонч ёрликларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз рахбари мамлакатимиздаги дипломатик ваколатхоналарнинг янги тайинланган рахбарларини самимий қутлар экан, уларнинг шарафли ва масъулиятли фаолиятига муваффакият тилади. Президентимиз Ислом Каримов Узбекистон халқаро ва минтақавий долзарб масалаларда тобора мухим ўрин тутаётган Миср, Вьетнам, Хиндистон ва Индонезия билан алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга алохида ахамият бераётганини таъкидлади.

Миср элчиси билан сухбатда хар икки мамлакат сиёсий, савдоиқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан бирдай манфаатдор экани қайд этилди.

Элчи Гада ал-Ганнам дунёда нафақат бой маданий ва тарихий мероси билан машхур бўлган, айни пайтда замонавий шароитда ишончли хамкор сифатида танилган Ўзбекистонда Миср вакили сифатида фаолият юритишини ўзи учун юксак шараф, деб билишини таъкидлади.

Узбекистон ва Вьетнам ўртасидаги кўп йиллик алоқалар ва ўзаро манфаатли хамкорликка асосланган муносабатлар изчил мустахкамланиб бормокда. Кейинги йилларда турли даражадаги мулоқотларнинг фаоллашуви иктисодиётнинг реал секторидаги хамкорликнинг истикболли йўналишларини биргаликда белгилаш ва муттасил ривожлан-

тириш имконини бермокда. Элчи Фам Ван Фао мамлакатпаримиз ўртасидаги ўзаро алокаларни янада ривожлантириш, давлатлараро битим ва келишувларни амалга оширишда ўзининг куч ва имкониятларини хамда дипломатик тажрибасини ишга солиши-

ни таъкидлади.

Узбек ва хинд халкларининг кўп асрлик савдо ва маданий алоқалари, дўстлиги ва маънавий якинлиги турли сохаларда икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантиришнинг мустахкам асосини ташкил этади. Хиндистон элчиси билан мулоқот чоғида олий даражадаги ташрифлар мунтазамлик касб этгани, шунингдек, икки мамлакат хукумат тузилмалари, ишбилармон доиралар вакиллари, маданият арбоблари ўртасидаги алоқалар ўзаро манфаатли хамкорликни ривожлантириш борасида улкан салохият мавжудлигига ёрқин мисоллар экани таъкидланди.

Элчи Викрам Дораисвами Ўзбекистондаги фаолиятини мамлакатларимиз ва халкларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик алокаларини янада ривожлантиришга хисса қўшиш учун катта имконият, деб билишини қайд этди.

Ўзбекистон Индонезияга Жануби-шарқий Осиёдаги мухим ва истиқболли шериклардан бири сифатида қарайди. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўзаро манфаатли савдони ривожлантириш, инвестициявий хамкорликни кенгайтириш ва бошка сохалардаги алоқаларни чуқурлаштириш борасида улкан имкониятларга эга.

Элчи Алит Сантика Индонезия **Узбекистон билан узок муддатли** ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Мулокотлар чогида томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақа вий масалалар бўйича хам атрофлича фикр алмашилди.

📕 ЎЗХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА



ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ ТУЗИЛДИ

куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг таъсис йигилиши бўлиб ўтди.

Узбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов бошкарди.

Сайлов округлари ташкил этилди

қабул қилинди. Марказий сайлов қилинди. комиссияси уларни Қорақалпогистон

Мажлисда «Ўзбекистон Республи- Республикаси, вилоятлар ва Тошкент каси Президенти сайлови тўгрисида»- шахри чегаралари доирасида тузди.

ти қонуннинг 9 ва 14-моддаларига му- Мажлисда Ўзбекистон Республикавофик Узбекистон Республикаси си Президенти сайловига тайёргар-Президенти сайлови бўйича сайлов лик кўриш ва уни ўтказиш билан боғокруглари тузиш тўгрисида қарор лиқ бошқа масалалар хам мухокама

ган хукуклари ва ваколатлари хакида тўхталди.

Ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш учун аниқ позиция ва амалий таклифлар керак

■ ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгашида

ўтказилган йигилишда вилоят партия

кенгаши раиси Алишер Тошматов партия

гурухларининг конунда белгилаб берил-

— Қонунга мувофиқ, партия гурухлари томонидан халқ депутатлари махаллий Кенгашларига киритиладиган таклиф, албатта, кўриб чикилади, — деди у. — Демак, партия гурухи аъзолари худудларда учраётган хар бир масала бўйича аниқ фикрга, тасаввурга эга бўлиши, жойларда муаммоларни бартараф этиш бўйича муқобил таклифларни илгари суриши керак. Халк депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашига сайланган депутатлар рўйхатида партиямизнинг 11 нафар вакили жой олди. Туман ва шахарлар кесимида тахлил қиладиган бўлсак, бу борада хам сайловда яхши натижаларга эришдик. Айтиш мумкинки, электорат манфаатларини химоя қилиш, сайловчиларга берилган ваъдаларни бажариш учун катта куч ва имкониятга эгамиз. Сайловда партиямизга ишонган, унинг гояларини қўллаб-қувватлаганлар сафи вилоятимизда ўтган сайловдагига нисбатан кенгайганлиги кўзга ташланди. Бундан кейинги асосий вазифа ана шу юксак ишончни оқлаш, электорат манфаатларини янада самарали химоя килиш хисобла-

— Демократик ислохотларнинг бугунги босқичи халқ депутатлари махаллий Кенгашларидаги партия гурухлари фаолияти тубдан такомиллашишини талаб қилмоқда, — деди ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари **Хаётхон Ортикбоева.** — Очиғини айтиш керак, ўтган даврда хамма худудларда хам партиямиз гурухларининг фаоллиги, таъсир кучи сезилмади. Одамларни ўйлантираётган долзарб ижтимоий масалаларни сессияларга олиб чикиш, уларни хал килиш бўйича таклифлар бериш масалаларида сусткашликка йўл қўйилди. Биз бундан тўгри хулоса чиқариб, партиямиз гурухларининг фаолиятини хар томонлама самарали йўлга қўйишимиз зарур.

Йигилишда халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутатларнинг партия гурухи тузилди. ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси, 3-Навбахор сайлов округидан сайланган депутат Алишер Тошматов партия гурухи рахбари этиб сайланди.

> Ўктам АБДУЛЛАЕВ, «Узбекистон овози» мухбири.

Узбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎГРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофик Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

КАРОР КИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

1-КОРАКАЛПОГИСТОН САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги биноси, Нукус шахри, У.Татибоев кўчаси, 19-уй. Сайловчилар сони — 1159795 киши.

Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

2-АНДИЖОН САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шахри, Алишер Навоий кўчаси, 32-уй. Сайловчилар сони — 1923333 киши.

Андижон вилояти чегараси доирасида

3-БУХОРО САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Бухоро шахри, Алишер Навоий шох кўчаси, 3-уй. Сайловчилар сони — 1229045 киши. Бухоро вилояти чегараси доираси-

4-ЖИЗЗАХ САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Республика Маънавият таргибот маркази вилоят бўлими биноси, Жиззах шахри, Шароф Рашидов шох кўчаси, 70-уй. Сайловчилар сони — 813965 киши.

Жиззах вилояти чегараси доирасида.

5-НАВОИЙ САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — «Фарход» маданият саройи биноси, Навоий шахри, Халқлар дўстлиги шох кўчаси, 67-уй. Сайловчилар сони — 628592 киши.

Навоий вилояти чегараси доирасида.

6-НАМАНГАН САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Наманган шахри, Алишер Навоий кўчаси, 15-уй. Сайловчилар сони — 1713268 киши.

Наманган вилояти чегараси доирасида.

7-САМАРҚАНД САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей биноси, Самарқанд шахри, Рудакий кўчаси, 237-уй. Сайловчилар

сони — 2294602 киши. Самарқанд вилояти чегараси дои-

8-СИРДАРЁ САЙЛОВ

ОКРУГИ

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Гулистон шахри, Мустақиллик кўчаси, 66-уй. Сайловчилар сони — 513100 киши.

Сирдарё вилояти чегараси доира-

9-СУРХОНДАРЁ САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси, Термиз шахри, Алишер Навоий кўчаси, 12-«В» уй. Сайловчилар сони — 1515308

Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.

10-ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — вилоят молия бошқармаси биноси, Тошкент шахри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 17-уй. Сайловчилар сони — 1905858 киши.

Тошкент вилояти чегараси доирасида.

11-ФАРГОНА САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий харакати Фаргона вилояти кенгаши биноси,

Фарғона шахри, Сайилгох кўчаси, 27уй. Сайловчилар сони — 2342899

Фаргона вилояти чегараси доирасида.

12-ХОРАЗМ САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — «Баркамол авлод» болалар маркази биноси, Урганч шахри, Ғафур Ғулом кўчаси, 1-үй. Сайловчилар сони — 1127706 киши.

Хоразм вилояти чегараси доира-

13-ҚАШҚАДАРЁ САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — «Ўзгеобургунефтгаз» акциядорлик компанияси биноси, Қарши шахри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй. Сайловчилар сони — 1903740 киши.

Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.

14-ТОШКЕНТ ШАХАР САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Тошкент шахар хокимлиги маъмурий бинолардан фойдаланиш департаментига қарашли бино, Тошкент шахри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 14-уй. Сайловчилар сони — 1726841 киши.

Тошкент шахри чегараси доирасида. 2. Мазкур қарор матбуотда эълон килинсин.

Марказий сайлов комиссияси Раиси

Тошкент шахри, 2015 йил 7 январь М.АБДУСАЛОМОВ

ГЕРМАНИЯЛИК ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ ЎТГАН ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ ХАКИДА

Мамлакатимизда 2014 йил 21 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халк депутатлари маҳаллий Кенгашларига булиб утган сайловларда халқаро кузатувчи сифатида қатнашған германиялик журналист ва экспертлар ватанига қайтишганидан сунг мазкур мухим сиёсий тадбир якунлари юзасидан уз бахолари ва фикрмулохазаларини «Жахон» ахборот агентлигининг

Берлиндаги мухбири билан уртоклашдилар.



Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ЎзХДПдан сайланган депутатлар









Кетмонов Хатамжон Абдурахмонович 11-Бўз сайлов округи



Умаров Фарход Бакоевич 24-Ибн Сино сайлов округи



Акрамова Зулайхо Абдуразоковна 30-Дўстлик сайлов округи



Ахмедов Ахад **Амириддинович** 35-Қизилтепа сайлов округи



Тумишова Аксавли Молдагалиевна 36-Зарафшон сайлов округи



Тургунов Собитхон Тошпўлатович 42-Косонсой сайлов округи



Исмоилов Нурдинжон Мўйдинханович 47-Чорток сайлов округи



Киргизбаев Абдугаппор Каримжонович 49-Янгиқўргон сайлов округи



Арзикулов Сахобиддин Жиянбоевич 52-Булунгур сайлов округи



Саъдуллаев Дилмурод Сафохонович 53-Иштихон сайлов округи



Умаров Ёкуб Дониёрович 59-Пайариқ сайлов округи



Юсупович 71-Жарқўргон сайлов округи



Мирзаев Кахрамон Элмуратович 74-Денов сайлов округи



Юнусова Алия Туйгуновна 77-Ангрен сайлов округи



Турсунбаев Шухрат Мирайимович 83-Паркент сайлов округи



Умаралиев Акмалжон Акбаралиевич 89-Дўстобод сайлов округи



Акбаров Нуман Абдуазизович 93-Қуқон сайлов округи



Обиджонов Бахромжон Анваржонович 96-Олтиариқ сайлов округи



Эшонкулов Бунёджон Махамадалиевич 98-Маргилон сайлов округи



Рустамович 103-Бувайда сайлов округи



Ибадуллаевич 111-Шовот сайлов округи



Неъматович 119-Чирокчи сайлов округи



Фарходовна 120-Шахрисабз сайлов округи



Зайдуллаевна 122-Гузор сайлов округи



Муратович 127-Қорақамиш сайлов округи



Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасидаги рақобат қанчалик кескин ва кучли бўлса, жамиятимизнинг муайян сиёсий кучлари ва ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган ҳар қайси партиянинг ғоялари, дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишининг кафолати ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

ЎЗХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА

ЎзХДП фракцияси тузилди

■ Йигилишда, аввало, Олий Мажлис Конунчилик палатасига хамда халқ депутатлари махаллий Кенгашларига сайлов юксак ташкилий савияда, умумэътироф этилган демократик меъёрларга мувофик ўтгани, очиклик, ошкоралик хамда транспарентлик тамойилларига амал қилингани таъкидланди.

— «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» гояларининг хаётга изчил татбиқ этилаётгани фукароларнинг сайлаш, сайланиш хуқуқини кафолатлашда, сиёсий партияларнинг дастурий мақсадларини амалга ошириш имкониятини кенгайтиришда мухим ахамият касб этмокда, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов. — Сайлов кампанияси даврида барча сиёсий партияларга тенг шароит, кенг имкониятлар яратилди. Вакиллик хокимиятининг асослари мустахкамлангани, хукуқий мақоми, айтиш мумкинки, обрўси оширилгани натижасида бу галги сайлов партиялараро кескин рақобат рухида ўтди. Хар бир депутатлик ўрни учун кураш

Сиёсий партиялар, улардан кўрсатилган номзодлар сайловчиларга ўз гоя ва мақсадларини етказиш, шу орқали халқимиз ишончини қозониш йўлида бор куч ва имкониятларини ишга солди. Сайлов кампанияси даврида ЎзХДПдан кўрсатилган номзодлар сайловчилар билан ўтказган

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

учрашувларда партиямиз ғоялари, дастурий мақсадларини, уларнинг ахамиятини тўлиқ очиб беришга харакат

Вакиллик хокимиятига бу галги сайлов яна шуниси билан ахамиятли бўлдики, сайлов кампанияси, сайловолди ташвикоти жараёнларида сайловчилар юкори фаоллик кўрсатди, депутатликка номзодлар билан учрашувларда муайян соха ва тармокларнинг истикболи, ўткир ижтимоий масалалар хакида фикрлар билдирди, асосли саволлар билан мурожаат қилди. Бу фукароларимизда жамият микёсида фикрлаш салохияти ошганининг, мамлакатимизда демократик онг ва тафаккур ўсиб бораётганининг, хар бир сайловчи ўзи ишлаётган соха, истикомат килаётган худуд равнақи, келажаги ҳақида қайғураётганининг ифодаси, хаётий исботи бўлди..

Шуларга асосланиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси хамда халқ депутатлари махаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловга юкори сиёсий бахо берди.

Сайловнинг умумий натижаларига кўра, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 27



депутатлик ўрнини қўлга киритди. Сайланган депутатлар турли соха вакиллари хисобланади, уларнинг 8 нафари олдинги чақириқда парламент қуйи палатаси депутати булиб фаолият юритган.

«Сиёсий партиялар тўгрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўгрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўгрисида»ги Қонунларга мувофик, Ўзбекистон Халк демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида янги сайланган депутатлардан иборат фракциясини тузиш хукукига эга бўлди

Йигилишда Олий Мажлис Конунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясини тузиш тўгрисида қарор қабул қилинди. Фракция рахбарлигига ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хотамжон Кетмонов сайланди.

Шундан сўнг депутатлар фракция фаолияти билан боглиқ устувор масалалар юзасидан ўз фикр-мулохазаларини билдирди.

— Бу галги сайлов профессионал, яъни икки палатали парламент тизимига ўтганимиздан кейинги учинчи сайлов бўлди, — деди фракция аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев. — Ўтган вақт мобайнида парламентнинг регламенти, яъни ишлаш тартиби, масалаларни мухокама қилиш жараёнлари тубдан такомиллашди, ҳар бир депутат, ҳар бир фракциянинг фикри, позицияси албатта хисобга олинадиган бўлди. Натижада сиёсий партияларнинг ўз Сайловолди дастурини амалга ошириш, гоя ва максадларини рўёбга чикариш имконияти ортди. Шуни хам асло унутмаслигимиз керакки, парламентнинг мавкеи, ваколатлари, фаолият кўлами кенгайгани сари у ерда ишлайдиган депутатларнинг масъулияти, салохияти, талабчанлиги ҳам ўсиб бориши тақозо этилади. Қар биримиз бу хакда яна бир бор жиддий ўйлаб кўришимиз, 400 минг нафарга якин партиямиз аъзолари, сайловчилар билдирган ишончни оқлашимиз керак.

 Партиямиз Сайловолди дастурида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини кучайтиришни стратегик йўналиш сифатида белгилаб олди, — деди фракция аъзоси Комила Каромова. — Ахоли бандлигини таъминлаш, давлат

идоралари рахбар ходимларининг масъулиятини ошириш, парламент хамда жамоатчилик назоратини кучайтириш, товарлар ва хизматлар мақбуллигига эришиш, таълим, уйжой-коммунал, тиббий хизматлар сифатини янада ошириш масалалари бўйича таклифларимизни илгари сурдик. Ана шу гояларни амалга оширамиз, деб ваъда берганимиз учун сайловчилар бизга ишонч билдиришди. Демак, Сайловолди дастуримиздан ўрин олган масалалар ҳаётимизда жуда долзарб бўлиб турибди. Биз, фракция аъзолари уларнинг рўёбга чиқишига масъул кишилармиз.

Утган даврдаги фаолиятимиз тахлили шуни кўрсатмоқдаки, ишимизда муайян ижобий ўзгаришлар билан бирга, хато-камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Қонун лойихалари бўйича партиявий позицияни шакллантиришда, электорат манфаатларига хизмат қиладиган таклифлар ишлаб чикишда қатъият ва талабчанлик ҳар доим хам етишмади. Қонунлар ижроси устидан мунтазам ва самарали парламент назорати ўрнатиш ишларини изчил йўлга қўя олмадик. Бундай хато-камчиликлардан хулоса чиқаришимиз, уларни бартараф этиш хақида биргаликда ўйлашимиз, парламент депутати, деган юксак мақомга ҳар томонлама муносиб бўлишимиз зарур.

Йигилишда қабул қилинган қарорлар Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига такдим

Тўлкин ТЎРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Дуне

Монопархез

саломатлик учун зарарли

Организм турли витаминларга эхтиёж сезади. Бу эхтиёжни коплаш учун эса турлича овқатлар билан озикланамиз. Бирок пархезга «ўтирган»да бу турли-туманлик чекинади. Айнан шу чекиниш меъёрдан ошиб кетса, организм учун фойда ўрнига зарар келтиради.



Интернет манбаларида қайд этилишича, норвегиялик олимлар бу борада кузатув-тадқиқот ўтказиб, шу нарсага амин бўлдиларки, пархез сақлайман, деб фақат творог, олма ёки гречка истеъмол қилиш организмда макро ва микроэлементлар танкислигини келтириб чиқаради. Бу эса саломатликка ва кишининг ташки кўринишига акс таъсир кўрсатади.

Болаларда чарчоқ

холати кузатилмокда

Финляндиялик ўкитувчилар мактаб ўқувчиларида чарчоқ холати кучайиб бораётганидан ташвишга тушмокдалар, дейилади «Мир новостей» хафталигида чоп этилган ахборотда. Улар хатто дарс пайтида партада ухлаб қолмокдалар. Бундай холатни нафакат Финляндияда, балки Европанинг бошка мамлакатларида хам кузатиш мумкинлиги хакида фикрлар билдирилмокда.



Финляндиянинг соғлиқни сақлаш миллий институти хамда Жахон соғликни саклаш ташкилоти мутахассисларининг айтишларича, айни пайтла финлянлиялик ўсмир кизларнинг 20 фоизи, болаларнинг эса 10 фоизи сурункали чарчок синдромига чалинган. Мутахассислар 13-17 ёшли миллион нафардан ортик ўсмир ахволини ўрганиб, улар орасида уйқусизлик рекорд даражага етганини аникладилар.

Хавфли жихати шундаки, ўсмир қизлар айнан шу ёшда гормонал ўзгаришларни бошидан ўтказади. Сурункали чарчок синдроми эса уларга акс таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Фин шифокорларининг тушунтиришларича, уларда уйқусизлик ва чарчокнинг асосий сабаби кейинги пайтларда кўп истеъмол қилинаётган, аникроги, ёшлар орасида «урф-»га айланган турли салқин ичимликларни истаса-истамаса ичиш ва узок муддат компьютер экрани қаршисида ўтиришдир.

Шу нарса аниқланганки, компьютер нури қаршисида узоқ ўтириш уйқуга «жавобгар» мелатонин гормони ишлаб чиқариш жараёнини бузади.

Хозир деярли хар бир ўсмирда мелатонин гормонига таъсир қилувчи смартфон мавжуд. 15-16 ёшли ўсмирларни электроникадан «узиб» кўйиш бугунги кунда жуда мушкул эканлигини ота-оналар хам тан олмокдалар.

Усмирлардаги уйкусизлик ва чарчокни бартараф этиш учун, аникроги, улар кўпроқ ухлаши учун хатто мактабларда дарсларни кечрок бошлаш таклифи ҳам ўртага ташланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Европа мамлакатларида нафақат ўсмирлар, балки катта ёшдагилар ҳам уйқусизлик муаммоси билан тўкнаш келмокда. Шифокорлар кўплаб одамлар улар организмида электромагнит нурларига сезгирлик ошиб кетганидан шикоят қилаётганини айтишмоқда. Бу эса уйқу ритми бузилишига жиддий сабаблардан биридир. Бугунги кунни эса электроникасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Америкалик олимлар аникладиларки, симсиз алока тармоги кишилар хотирасига салбий таъсир этади. Айнан шу боис хам Европанинг айрим сиёсатдонлари кенг жамоатчиликни мактабларда «Wi-Fi»ни яъни симсиз алока тармогини чеклашга чақирмоқда.

Германиялик халқаро кузатувчилар

Узбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловлари хакида

Эдгар Клозе,

профессор, Бранденбург технология хамда инновацияларни ривожлантириш ва кўллаб-кувватлаш институти бошқарувининг раиси:

 Мен Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги билан яхши танишман. Сўнгги йиллар мобайнида сайлов қонунчилигига киритилган қўшимча ва ўзгаришлар унинг демократик тамойиллар асосида янада такомиллашишига хизмат килди. Шубха йўкки, буларнинг барчаси республикада парламент сайловлари шаффоф. адолатли ва демократик асосда ўтишига кўмаклашли.

Мен мамлакатингиз хаётининг турли жабхаларида руй бераётган кенг кўламли ислохотлар жараёнларини катта қизиқиш билан кузатиб келаман. Шуни қайд этишни истардимки, Узбекистонда иктисодиёт, илм-фан, таълим ва технологиялар изчил ривожланиб бораётир. Бу эса «ўзбек модели»нинг барқарорлигидан далолат беради.

Узбекистонда тинч ва осойишта хаёт хукм сураётгани хам улкан муваффакият хисобланади. Чунки факат тинч ва баркарор мамлакатдагина демократик жараёнлар давом этиши, жамият хар томонлама ривож топиши мумкин. Парламент сайловларидаги иштирокимиз чогида биз уларнинг натижаларини ўз кўзимиз билан кўришга муваффақ бўлдик.

Петер Франке, «Wostok» журналининг бош мухаррири:

– Ўзбекистондаги парламент сайловларида мен халқаро кузатувчи сифатида Урганчдаги сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатдим. Шуни таъкидлаш жоизки, сайловчилар эркин харакат қилишди, кузатувчиларга эса сайловларнинг боришини тўлақонли мониторинг қилишлари учун барча шароит яратиб берилди. Шу ўринда фукаролар юқори даражада фаоллик кўрсатишганини, улар республикада кечаётган вокеа ва ўзгаришларга бефарк эмасликларини намоён этишганини хам кайд этишни истар эдим.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халкини сайловларнинг муваффақиятли ўтгани билан табриклашим баробарида, мамлакатингизга бунданда зиёд фаровонлик ва тараккиёт ти-

Лавоми. Бошланици 1-бетда.

Геральд Уйбершер, «Reise Travel» электрон нашрининг бош мухаррири:

- Мен мамлакатингизда якунланган йилнинг 21 декабрида бўлиб ўтган сайловларда Германиядан халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш шарафига муяссар бўлганим учун Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясидан миннатдорман.

Республикангизнинг Бухоро ва Тошкент шахарларидаги 7 та сайлов участкасида бўлдим. Таъкидлашим керакки, парламент сайловлари жуда яхши ташкил этилди, хеч қандай конунбузарлик ёки номувофикликлар кузатилмади.

Мен Ўзбекистондан мамлакатингизда рўй бераётган ўзгаришлар жараёнлари хакидаги кенг камровли маълумотлар, катта таассуротлар билан ўз юртимга қайтдим. Сафарим якунлари бўйича Ўзбекистонга бағишланган қатор мақолаларни эълон қилишни мўлжаллаганман.

Экхард Приллер,

Берлин ижтимоий тадкикотлар илмий маркази ишчи гурухининг рахбари, Германия фукаролар фаоллиги федерал тармогининг аъзоси:

 Мен Ўзбекистондаги парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида илк маротаба иштирок этдим.

Уз миссиямни адо этишга тайёргарлик кўриш жараёнида мамлакатингиз сайлов қонунчилигини, демократик давлат ва кучли фукаролик жамиятини куриш борасида олиб борилган ислохотларни диққат билан ўрганиб чиқдим. Шуниси диккатга сазоворки, ана шундай ислохотларнинг натижасида парламентнинг, сиёсий партияларнинг ваколатлари кенгайгани фаолликнинг ортишига, партиялараро рақобатнинг кучайишига хизмат килмокда.

Мамлакатингиз парламентида Экологик ҳаракатнинг фаолият кўрсатиши атроф-мухит мухофазаси ва экологик холатни согломлаштириш ишида кенг жамоатчилик иштироки фаоллигини ошириш, атроф-мухитни мухофаза қилиш сохасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари саъй-харакатларини бирлаштириш ва ахолининг экологик маданиятини юксалтириш. шунингдек, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш имконини беради.

> «Жахон» АА, Берлин

РОМИХ ЙИОМИТЖИ



Ешлар учун иш ўринлари

Кармана туманидаги педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Туман хокимлиги, прокуратураси, Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш маркази хамкорлигида ташкил этилган мазкур ярмаркада 45 та корхона ва ташкилот 167 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

— Мехнат ярмаркасида 265 нафар фукаро иш сўраб мурожаат этди, — дейди Кармана туман хокимлиги масъул ходими Суннатилло Мирзаев. — 150 нафар кишига шу куннинг ўзида ишга жойлашиш учун йўлланма берилди. Улар асосан аёллар ва тумандаги касб-хунар коллежларини битирган ёшлардир.

Ўз мухбиримиз

РЕКЛАМА

Корхона ва ташкилотлар рахбарлари диккатига!

Самарқанд вилояти хокимлиги инжиниринг компанияси

2015 йилда реконструкция ва курилиши режалаштирилган куйидаги объектларни тулигича куриб, фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН КИЛАДИ:

Nº	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошлангич нархи ҚҚСсиз	Буюртмачи бошлангич нархи ҚҚС билан	Қурилиш муддати
1	Тайлоқ туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (30 ўринли юқумли касалликлар бўлимини капитал таъмирлаш ва 80 ўринга мўлжалланган терапия бўлими курилиши)	2 875 362 463 сўм	3 450 434 955 сўм	10 ой

Қурилиш ишлари бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жихозлаш фонди маблағлари хисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва курилиш қумитасининг Самарқанд вилояти курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти хокимлиги инжиниринг компанияси

Манзили: Самарқанд шахри, Кўксарой майдони, 1-уй, телефон: (0366) 231-10-93.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Курилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустахкамлаш чоратадбирлари тўгрисида»ги карорига асосан пудрат ташкилотини танлаш факат давлат реестрига кирган ташкилотлар ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чикариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган мехнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга хамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини бахолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофик импорт килувчилар кушимча қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари катнашчиларининг

танлов таклифларини бахолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қушимча равишда хисобга олинади. Савдода қатнашиш ва танлов савдоси хужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо таш-

килотчиси — Самарканд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Самарқанд шахри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов хужжатлари бир тўпламининг қиймати - 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига такдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин, куйидаги манзилда: Самарқанд шахри Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят хокимлиги Инжиниринг компанияси биносида соат 10:00 да ўтказилади.

Футболчиларимиз имконияти қандай?

Эртага Австралияда футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати финал боскичи бахслари бошланади

■ 9 январдан 30 январгача давом этадиган «Осиё кубоги — 2015» бахслари илк бор китъамиздан ташқарида ўтказилмокда. Унда мезбонлар билан бирга Осиёнинг ўн беш терма жамоаси голиблик учун майдонга тушади.



Хар тўрт йилликнинг ушбу нуфузли мусобакасида Миржалол Косимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси олтинчи маро-

таба Ватанимиз шарафини химоя килади. Хамюртларимиз бунгача Бирлашган Араб Амирликлари (1996 йил), Ливан (2000), Хитой (2004), Индонезия, Вьетнам, Таиланд, Малайзия (2007), Қатар (2011)да ўтказилган Осиё чемпионатларида иштирок этган. Терма жамоамиз учун энг яхши натижа Катарда қўлга киритилган эди. Ўшанда футболчиларимиз Вадим Абрамов бош мураббийлигида ярим финалгача барча рақибларини енгиб, энг кучли тўртта терма жамоа каторидан жой олганди.

Хўш, яшил қитъада ўтадиган навбатдаги Осиё кубоги бахсларига мамлакатимиз бош жамоаси кандай хозирлик кўрди, футболчиларимизнинг имкониятлари

кандай? Бу галги Осиё чемпионати финал боскичида Миржалол Косимов шогирдлари куръага кўра, мусобақанинг «В» гурухида Саудия Арабистони, Хитой, КХДР футболчилари билан куч синашади. Дастлабки турни терма жамоамиз 10 январь куни Брисбен шахрида КХДР терма жамоаси билан ўтказади. 14 январда Хитой, 18 январь куни эса Саудия Арабистони футболчиларига қарши майдонга тушади.

Терма жамоамиз мазкур нуфузли мусобақа олдидан бир неча ўкув-машгулот йиғинлари ўтказди. Йиғинлар давомида Уммон, Янги Зеландия, Иордания, Қатар, Бахрайн, Бирлашган Араб Амирликлари, Фаластин, Ирок футболчилари билан ўртоклик учрашувлари уюштирилди. Назорат учрашув-

XALQ DEMOKRATIK

PARTIYASI

MARKAZIY KENGASHI

2015-yil, 8-yanvar.

Payshanba • 3 (31.906)-son www.uzbekistonovozi.uz

12. Игнатий Нестеров («Локомотив», Тошкент)

Химоячилар

2. Егор Кримец («Пахтакор», Тошкент) 3. Шавкат Муллажонов («Локомотив», Тошкент)

4. Анзур Исмоилов («Чанчун Ятаи», Хитой),

23. Акмал Шорахмедов («Бунёдкор», Тошкент) 14. Шухрат Мухаммадиев («Насаф», Карши)

7. Азиз Хайдаров («Ал Шабаб», БАА)

9. Одил Ахмедов («Краснодар», Россия)

13. Лутфулло Тўраев («Локомотив», Тошкент)

18. Тимур Копадзе («Актобе», Қозоғистон)

Хужумчилар

6. Баходир Насимов («Падидех», Эрон)

16. Вохид Шодиев («Бунёдкор», Тошкент).

Бош мураббий — Миржалол ҚОСИМОВ

Пётр Гизимчук

Шифокор — Аброр Пирриев Маъмур — Сарвар Тожиев.

ўтказишди. Якунда улар орасидан йигирма уч нафари са-

Осиё чемпионатига борадиган таркибдан кўнглим тўлди, — деди журналистлар билан учрашувда бош мураб-

бий Миржалол Қосимов. — Айтишим мумкинки, таркибга ўзим истаган деярли барча футболчиларни жалб этдим. Айникса, ярим химоя чизигимизда тажрибали футболчилар кўп. Бу позицияда рақобат кучли ва улар исталган пайтда

Австралия — Қувайт

Узбекистон — **КХДР**

С. Арабистони — Хитой

Ж. Корея — Уммон

БАА — Қатар

Эрон — Бахрайн

Эрон

БАА

Қатар

Бахрайн

«Д» гурухи «С» гурухи Япония Иордания Ирок Фаластин

XVI (CUË '	4EN	лпион.	ТИ УЧРАЦ
№1. 9 январ			гуруҳи.	Мельбурн
№2. 10 янва	арь. «	۸» ا	гуруҳи.	Канберра.
№3. 10 янва	арь. «	«B»	гурухи.	Сидней.
№4. 10 янва	арь. «	«B»	гуруҳи.	Брисбен.
№5. 11 янва	арь. «	«C»	гуруҳи.	Канберра.
№6. 11 янва	арь. «	«C»	гуруҳи.	Мельбурн
№7. 12 янва	арь. «	«Д»	гуруҳи.	Ньюкасл.
№8. 12 янва	арь. «	«Д»	гуруҳи.	Брисбен.
№9. 13 янва	арь. «	«Α»	гуруҳи.	Канберра.
№10. 13 яня	варь. «	‹A» ا	гурухи.	Сидней.
№11. 14 ян		«B»	гуруҳи.	Мельбурн.
№12. 14 ян	варь. «	κΒ»	гуруҳи.	Брисбен.
№13. 15 яня	варь. «	«C»	гуруҳи.	Канберра.
№14. 15 яня	варь. «	«C»	гуруҳи.	Сидней.
№15. 16 яня	варь. «	«Д»	гуруҳи.	Мельбурн.
№16. 16 ян	варь. «	γД»	гуруҳи.	Брисбен.
№17. 17 ян	варь. «	«A»	гуруҳи.	Брисбен.
№18. 17 ян	варь. «	κ A » ا	гуруҳи.	Ньюкасл.
№19. 18 янва	арь. «	«В» г	урухи.	Мельбурн.
No20 18 gus	ant a	B.	EVDV/VIA	Канборра

ларида терма жамоамиз му-

раббийлар штаби мамлакат

ички чемпионати ва хорижда

тўп сураётган ўттиз нафарга

«А» гурухи

Австралия

ж. Корея

Уммон

Кувайт

яқин футболчини синовдан

«В»гурухи

Узбекистон

С. Арабистони

Хитой

КХДР

Япония — Фаластин Иордания — Ирок Кувайт — Ж. Корея Уммон — Австралия КХДР — С. Арабистони Хитой — Ўзбекистон Бахрайн — БАА Қатар — Эрон Фаластин — Иордания Ироқ — Япония Австралия — Ж. Корея Уммон — Қувайт **Узбекистон** — С. Арабистони Хитой — КХДР №20. 18 январь. «В» гурухи. Канберра. №21. 19 январь. «С» гурухи. Брисбен. Эрон — БАА №22. 19 январь. «С» гурухи. Сидней. Қатар — Баҳрайн №23. 20 январь. «Д» гурухи. Мельбурн. Япония — Иордания №24. 20 январь. «Д» гурухи. Канберра. Ирок — Фаластин.

№25. 22 январь. Мельбурн. «А» гурухи голиби — «В» гурухи 2-ўрин №26. 22 январь. Брисбен. «В» гурухи голиби — «А» гурухи 2-ўрин №27. 23 январь. Канберра. «С» гурухи голиби — «Д» гурухи 2-ўрин №28. 23 январь. Сидней. «Д» гурухи голиби — «С» гурухи 2-ўрин

№29. 26 январь. Сидней. 25-ўйин голиби — 27-ўйин голиби №30. 27 январь. Ньюкасл. 26-ўйин голиби — 28-ўйин голиби

№31. 29 январь. Ньюкасл.

№32. 30 январь. Сидней.

1. Элдор Суюнов («Насаф», Қарши)

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ ТАРКИБИ

Дарвозабонлар

21. Акбар Тўраев («Бунёдкор», Тошкент)

18. Виталий Денисов («Локомотив», Россия)

20. Ислом Тўхтахўжаев («Локомотив», Тошкент)

Ярим химоячилар

4. Сардор Рашидов («Бунёдкор», Тошкент)

8. Сервер Жепаров («Сеонгнам», Жанубий Корея)

10. Жамшид Искандеров («Пахтакор», Тошкент)

15. Жасур Хасанов («Локомотив», Тошкент)

17. Санжар Турсунов («Ворскла», Украина)

22. Фаррух Сайфиев («Насаф», Қарши)

11. Игорь Сергеев («Пахтакор», Тошкент)

Мураббийлар — Бахтиёр Ашурматов, Александр Волков,

ралаб олинди.

Гурухимиздаги рақибларимиз ўйинини йил давомида кузатиб бордик. Ўзим КХДР футболчилари иштирокида ўтган учрашувларни стадионда бўлиб кузатдим. Ёрдамчим Бахтиёр Ашурматов эса Саудия Арабистони терма жамоасининг ўйинларини томоша қилиб, улар ҳақида етарлича маълумот тўплаб келди. Хитой

> Осиё кубоги бахсларидаги дастлабки вазифа — гурух учрашувларини муваффақиятли ўтказишдан иборат. Сўнгра «плей-офф» босқичи хакида ўйлаймиз. Осиё чемпионатида олдимизга қўйилган бош максад эса. албатта, совринли ўринлардан бирини эгаллашдир.

вакиллари хакида хам маълум

тасаввурга эгамиз.

хужумчиларга катта ёрдам

бера оладилар.

— Олдимизда мухим учрашувлар кутиб турибди ва биз уларга муносиб тайёргарлик кўрдик, — дейди **тер**ма жамоа сардори Сервер **Жепаров.** — Айникса. Бирлашган Араб Амирликларида ўтган охирги ўкув-машғулотлар йиғини жамоамиз аъзолари учун жуда фойдали бўлди. Йиғин давомида бир неча ўртоклик учрашувларида майдонга тушдик. Бу эса жамоавий ўйинни шакллантиришда алохида ахамият касб этди, деб биламан. Мухлисларимизни хурсанд қиладиган вақт келди. Насиб қилса, Осиё кубогида муносиб қатнашамиз. Мақсадимиз — мусобақадан юртимизга медаллар билан қай-

Маълумот ўрнида шуни таъкидлаш керакки, Осиё чемпионатида хамюртларимиз, ФИФА реферилари Равшан Эрматов хамда Валентин Коваленколар хам иштирок этади.

Осиё кубогининг барча учрашувлари Спорт телеканали оркали жонли намойиш этилади. Узбекистон — КХДР терма жамоалари ўйини 10 январь куни Тошкент вақти соат 12.00 да бошланади.

> Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Бухоро шахридаги 79-мактабгача таълим муассасасида келажак ворисларининг иктидор ва кобили-

ятини юзага чикариш, интеллектуал салохиятини ошириш максадида турли тўгараклар фаолияти йўлга Тарбияланувчилар учун Янги йил байрами муносабати билан маданий дастур ташкил этилиб,

мусиқали томошалар уюштирилди. Арча атрофида шеър ва қушиқ ижро этиб, рақс тушган кичкинтойлар қалби завққа тўлди.

«Демократлаштириш ва инсон хукуклари»

илмий-маърифий журналининг навбатдаги сони чоп этилди

Унда мамлакатимизнинг Бош Комуси — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллиги муносабати билан қатор мақолалар эълон килинган.

Жумладан, «Хотин-қизларнинг хаётдаги ўрни ва ижтимоий сиёсий нуфузини ошириш йўлида», «Жамиятимизнинг маънавий янгиланишида хотин-қизларнинг роли» сингари маколаларда хотин-қизларнинг соғлом авлодни тарбиялашдаги бекиёс хизматларини эъзозлаш, истиклол йилларида уларнинг хуқуқ ва манфаатларини химоя килиш борасида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар тахлили ўкувчи эътиборини ўзига жалб килади.

«2014 йил — Соглом бола йили», «Жамият ва шахс», «Фикрга қарши-фикр, ғояга қарши-ғоя» рукнлари остида берилган мақолаларда мамлакатимизда кечаётган иктисодий-ижтимоий ислохотлар замирида инсон манфаати ётгани, унинг турмуш шароитларини янада яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар хакида сўз боради.

Шу билан бирга, журналнинг «Хорижий мамлакатлар тажрибаси» рукнида Францияда давлат тизими хакида маълумот берилади.



Журналнинг инглиз ва рус тилларида чоп этилган сахифаларидан Конституциямиз қабул қилинганлигининг 22 йиллигига хукук ва илмий-ижтимоий, маърифий масалаларга бағишланган қатор мақолалар ўрин олган.

Нурулло ОСТОНОВ

РЕКЛАМА

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2015 йил 22, 27, 29 январь ва 3 февраль кунлари

бошлангич нархи боскичма-боскич ўсиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади

Очик аукцион савдоларига «AGROBANK» акциядорлик тижорат банкининг куйидаги хўжалик жамияти устав фондидаги 100 фоиз улуши кайта кўйилмокда:

No	Устав фондидаги улуши сотилаётган	Устав фондидаги улуши сотилаётган хўжалик жамиятининг		Савдога кўйилаётган	
Nº	хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий- хукукий шакли	Манзили	Асосий фаолият йўналиши	улушнинг бошлангич бахоси, сўм	
1	«KOKAND MILK QUALITY» МЧЖ	Фаргона вилояти, Кўқон шахри, Парпашабоф кўчаси, 273-уй.	Сут ва сут махсулот- ларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш	4 100 000 000,0	

Очик аукцион шартлари: Аукцион голиби улуш сотилиш бахосининг 15 фоизи микдоридан кам бўлмаган маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, колган кисмини олдисотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг хисоб ракамига тўлаши шарт.

Аукционда сотилаётган объект бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш нархининг колдигига фоизлар хисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга кадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш хуқуқисиз тўланади. Сотиб олиш учун тўловларни

бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 5 (беш) йилдан ошмаслиги лозим.

Объект фаолиятини тиклаш максадида киритилган маблаглар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарти билан сотилади. Хужжатларни расмийлашти-

ришда зарур бўладиган давлат божи билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиклаш, объектни бахолаш ва сугурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссион туловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боглиқ ҳамда юзага келадиган бошка харажатлар харилор маблаглари хисобидан амалга оши-

Аукционда иштирок этиш учун талабгор куйидаги хужжатларни такдим этиши лозим:

❖ юридик шахслар учун давлат руйхатидан утганлиги тўгрисида гувохнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдикловчи xvжжат нусхаси илова килинган холда. конун хужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома:

❖ жисмоний шахслар учун паспорт (истикомат гувохномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашған тақдирда эса, унинг шахсини тасдикловчи хужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, конун хужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

 аукцион тўгрисида эълонда кўрсатилган банк хисоб ракамига закалат ўтказилганлигини тасдикловчи тўлов хужжати нусхаси.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир күн аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар то-

улуш бошланғич нархининг 2 фоизи микдоридаги закалат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 хисоб ракамига туланиши шарт.

монидан савдога қўйилаётган

Ушбу банк улуши сотилаётган корхона билан унинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишиш мумкин.

Очиқ аукцион савдолари белгиланган савдо кунлари соат 15:00да бошланади ва Тошкент шахри. Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали) манзилида бўлиб ўтади. Мурожаат учун манзиллар

ва алока воситалари:

Сотувчи (Банк): Тошкент шахри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 43-уй; телефон: 150-85-23, 277-42-44; телефакс: 150-53-95.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шахри, Миробод тумани, Амир Темур шох кучаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувохнома № 005357

Тошкент давлат юридик университети жамоаси фукаролик хукуки кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор Омонбой Окюловга рафикаси

Маърифат ОКЮЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

Gazeta seshanba, payshanba va **Ravshan SHODIYEV** shanba kunlari chiqadi. Oʻzbekiston ovozi» materiallarini

ruxsati bilan amalga oshiriladi. Nashr koʻrsatkichi - 220 Г — 159 20158 t — Tijorat materiallari nusxada OʻzA yakuni — 22.35 Topshirilgan vaqti — 00.30

Sotuvda kelishilgan narxda

ko'chirib bosish faqat tahririyat



Navbatchi:

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV

Abdulla ORIPOV O'ZBEKISTON

Hotamjon KETMONOV Ulug'bek VAFOYEV Rustam KAMILOV Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek **MUSTAFOYEV** Muslihiddin **MUHIDDINOV Ochilboy RAMATOV**

TAHRIR HAY'ATI: Saidahmad RAHIMOV Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir oʻrinbosari)

Qabulxona — 233-65-45 Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56 E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000. Toshkent, Matbuotchilar koʻchasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda roʻyxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.